

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2015 йил
25 апрель

ШАНБА

№ 32 (12772)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Доимий комиссияларда

ЎРГАНИШ МАНЗИЛИ — ШАҲАР ВА ТУМАН



Халқ депутатлари вилоят Кенгаши "Регламент ва депутатлик одоби масалалари" бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, ҳокимлик, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда доимий комиссия фаолиятининг 2015 йил биринчи чорак якунлари ҳамда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуннинг ижросини Бекобод шаҳри ва тумани мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳ тузиш ва унга тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан маърузалар тингланди.

Таъкидланганидек,

комиссия депутатларнинг ташаббускорлик ва фаоллигини ошириш мақсадида "Депутатларнинг профессионаллик даражаси: тажриба ва амалиёт", "Бугунги кун депутати масъулияти: қонун ва ижро" каби мавзуларда қатор сайёр семинар ва давра суҳбатлари ўтказди. Сайловчилар билан 30 дан ортиқ учрашув ташкил этилди. Учта депутатлик сўрови бўйича тегишли ташкилот ва идораларга мурожаат қилинди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

«Камалак»



ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ ИНТИЛАЁТГАНЛАР

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Камалак" ташкилоти ҳамкорлигида Ўрта Чирчиқ тумани,

А. Йўлбарисов номли маҳалладаги 37-мактабда "Камалак" сардорлари иштирокида тадбир ташкил этилди.

Болалар ўз қўллари билан тайёрлаган қўғирчоқ, миллий либослардан иборат кўргазма тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Билим масканимизда ўқувчилар ақлан ва жисмонан ривожланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган, — дейди мактаб директо-

ри Гулнора Очилова. — Ўқитувчилар маҳалла ва ота-оналар билан мунтазам ҳамкорликда ишлашади. Туманда болалар спортга алоҳида эъти-

бор қаратилаётгани боис Шаҳриёр Орипов, Абдурахим Авазов каби ёшлар тури мусобақаларда ютуқларга эришмоқда.

Тадбир сўнггида ўқувчи-ёшларга эсдалик совғалари топширилди.

Наргис ҲАСАНОВА,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Тадбиркорлик

Ҳозирги кунда Ўзбекистон тадбиркорларининг 35 фоизи, фермерларнинг 10 фоизи аёллар. 200 мингдан ортиқ тадбиркор аёллар рўй-

хатдан ўтиб, хусусий корхоналарини бошқаришмоқда. Шунингдек, яқка тартибдаги 300 тадбиркор аёл фаолият юритмоқда.

БИРГАЛИКДА ЮКСАЛИШ САРИ...



Тадбиркорликни ихтиёр этиб, янгидан иш бошлаганларга мутахассислар маслаҳати, амалий ёрдам зарур. Вилоятимиз тадбиркор аёллари энг аввал вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар

қўмитаси ва бошқа мутахассис тадбиркорлик кўмагига таяниб, тадбиркорлик сир-асрорини пухта ўзлаштирмоқда. Шундай тадбирлардан бири "Тадбиркор аёлларнинг

молиявий саводхонлигини оширишда банкларнинг ўрни" мавзусига бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ТУМАН ЮЗИДАГИ ҲУСНБУЗАР»

Газетамизнинг шу йил 18 апрель сониде юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Паркент деҳқон бозорининг нон растасидаги тартибсизликлар ҳақида фикр билдирилганди.

Тахририят ушбу мақола юзасидан вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачси Ф. Тожибоев имзоси билан жавоб хати олди. Унда хусусан шундай дейилади:

"Паркент тумани ҳудудида жойлашган "Паркент деҳқон бозори" МЧЖ директори А. Саидмуродов бошчилигида мажлис ўтказилди. Мажлисда Тошкент вилояти ва Паркент тумани ДСЭНМ хо-

димлари, бозор маъмурияти ва ишчи ходимлари, туман ИИБ профилактика нозирлари ҳамда деҳқон бозори ҳудудидаги тадбиркорлар иштирок этди. Йиғилиш давомида деҳқон бозоридеги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларни тақрорлаш мақсади бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди, ўз вазифасига совуққонлик билан қараган ишчи-ҳодимларга огоҳ-

лантириш берилди ва деҳқон бозорининг бир ишчиси эгалаб турган вазифасидан озод қилинди.

Шунингдек, туман ИИБ, ДСИ, ветеринария ҳамда ДСЭНМ ходимлари иштирокида мақолада кўрсатилган камчиликларни ҳамкорликда бартараф этиб, доимий назорат қилиш бозор маъмурияти ва ветеринария-санитария экспресс лабораторияси мудири зиммасига юклатилди".

Жавоб хатига Паркент деҳқон бозорининг янги-ланган ҳолати фотоальбоми илова қилинган.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

НУРОНИЙЛАР ҲАМИША АРДОҚДА

Янгиёул туманида юз ёшни қаршилаган саккиз табаррук кекса, 37 Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 364 меҳнат fronti фахрийси истиқомат қилмоқда. Улар кекса авлодга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳти-

ром, айниқса, Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг этмиш йиллиги муносабати билан берилган имтиёз ва рағбатлардан жуда мамнунлар.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медал билан мукофотлаш тўғрисида" ҳамда "Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари кексаларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва эътиборнинг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

— Давлатимиз ва халқимизнинг ардоғида ҳаёт кечириётганимга шукроналар айтаман, — дейди



асосида қўллаб-қувватлаш, — дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Феруза Маҳаммадалиева. — Таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда учрашувлар, маънавий-маърифий кечалар, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Юлдашев
МУХИДДИНОВА,
Даврон АХМАД
олган сурат.

Матбуотга муносабат

ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ГАЗЕТАНИ МЕНСИМАСЛИКМИ?

Зангиота туманининг "Истиқбол" газетаси йил бошида кетма-кет иккита танқидий чиқиш қилди: 9 январь сониде "Ассосиз ошган нархлар" ва 16 январь сониде "Газел"лар қайга йўқолди?" сарлавҳали мақолалар эълон қилинди.

Уларнинг биринчисиде туман ҳокимлиги, газета тахририятига туман ҳудуди йўналишлар

рида йўловчи ташувчи "Газель" ва "Дамас"ларда 2015 йил бошидан йўл ҳақининг кескин ошиб кетгани ҳақида узлуксиз эътирозлар, шикоятлар келаётгани, қўнғироқлар бўлаётгани эълон қилинган. Ҳокимият фармойишига асосан тузилган ишчи гуруҳ чиндан ҳам Келес, Ғ. Умаров, Абдурахмонов йўналишларида қатновчи йўловчи транспор-

ларида йўлқира асоссиз 1500 сўм қилиб белгилангани, мазкур ҳолат бўйича автокорхоналар раҳбарларига топшириқлар берилгани эътироф этилган.

Ш. Абдураҳмонов имзоси билан эълон қилинган иккинчи мақолада газета чиқишидан кейин ҳам ахвол ўзгармагани, аксинча, кечки пайтлар йўл ҳақи 2000 сўмга чиқиб кетаётгани

Жасорат, бурч, матонат

ҚўЛДА ҚУРОЛ ВА ҚАЛАМ БИЛАН

Ижодкорнинг номини унинг асарлари элга танитади ва умрини узайтиради. Бунинг ҳақиқат эканини шоир Назарматнинг (охиратлари обод бўлсин) шеърлари, дostonлари, таржималари фақат яқинлари қалбиде эмас, эл хотирасиде ҳам яшаётганида кўриш мумкин.

Назармат Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Шу боис унинг ижодини уруш мавзусиде тасаввур қилиш қийин. Таъбир жоиз бўлса, Назармат ижод бўлогининг кўзи уруш мавзуси орқали очилган.

Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университетининг филология факультетини битириб, қўлига диплом олганда, Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Тошкентдаги ҳарбий мактабни тамомлаб, 1942 йил кузда фронтга жўнади. Белоруссия фронтларида взвод командири бўлиб, фашист босқинчиларига қарши курашди. Урушнинг энг қизиган пайтларида бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан шеърлар ёзиб, газета-ларга жўнатиб турди.

1944 йил охирида 2-Белоруссия frontiда ўзбек тилида чиқадиган "Фронт ҳақиқати" газетасига ҳарбий муҳбирликка хизматга қақирилди. Шундан, юқорида таъкидлаганимиздек, уруш Назармат ака ижодида муҳим мавзу бўлиб қолди.

Урушдан кейин тинч қурилиш йиллари бошланганда, Назармат ўз қалами кучини ватандошларимиз образини яратиш, улар руҳий дунёсини инкишоф этиш, ҳаётнинг долзарб масалаларини ёритишга қаратди. Энди унинг лирик қаҳрамонлари яшаш тарзини яхшилаш йўлида меҳнат қилаётган пахтакор, пиллакор, ишчи, ўқитувчи ва соҳибкорлардир.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир



МАҚСАД — ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИКНИ АСРАШ

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, osoйишталик кадрини ён-атрофга, узок-яқин кўшни давлатларга назар солсак, янада кўпроқ хис этамиз, шукр қиламиз. Аммо, бунинг ўзи кифоя эмас, уни асрашга, ҳар қадамда огоҳ бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Хўш, уни қимдан, қандай асраш керак?

Зангиота тумани қурилиш ва коммунал уй-жой хизмати касб-хунар коллежида Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара қўшинлари, вилоят ҳокимлиги, ИИБ, Вилоят педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш институт, республика Маънавий тарғиботи маркази вилоят бўлими ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган учрашув, дав-

ра суҳбати шу мавзуга бағишланди. Унга туман кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, посбонлари, кўча бошилар, жумладан, чегара ҳудудидаги Қўқсарой кишлоғи фаоллари тақдир этилди.

Тадбир "Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари тўғрисида"ги Қонунни кенг тарғиб

(Давоми 2-бетда).



налиш кўрсаткичини яшириб қўйишлариға нима дейиш мумкин?!.. ДАН ходимлари бу ахволни кўрмаяптиларми ёки кўриб кўрмасликка олишмаяптими? Солиқчиларимиз-чи?"

(Давоми 2-бетда).

030270235. Аукцион савдо-маниал: Тошкент шаҳри, Як-Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 96705

TARNS SERVIS" (ИН 201789885) МҶЗ Загитюта тумани ҳокимияти хазинадаги TCP9Y томонидан рўйхатга олинган "BEST ORLANDO TRANS" (ИНН 303206831) МҶМЖга бирлашишини маълум қилади ҳамда унинг тўлиқ ҳуқуқий воясини хисобловчи.

Яминов Кахрамон Кабирджанович номига 05/02/2013 йилда берилган № 3-123/2013 реестр рақамли бино кадастр ҳужжатлари ва ТА № 1727227 серияли бино кадастр Вулхонмаси ва 29/05/2013 йилда нотариал идора учун берилган маълумотномаси айдовларини сабаб.

Позил СОБИРОВНИНГ
вафоти муносабати билан унинг oila аъзолари ва

